СОЛИҚ ВА ҲАЁТ
ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ
II СОН. 2024

СОЛИҚ МАЖБУРИЯТЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Дўлабов З.А.
Тошкент давлат иқтисдиёт университети

Аннотация. *Ушбу мақолада солиқ мажбуриятларининг назарий асослари ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби масалалари ёритилган. Солиқ мажбуриятлари бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштиришнинг йўналишлари кўрсатиб берилган.*

Калит сўзлар*: бухгалтерия ҳисоби, солиқ, солиқ мажбурияти, солиқ харажати, МҲХС.*

Аннотация. *В данной статье рассматриваются теоретические основы налоговых обязательств и вопросы их учета. Обозначены направления совершенствования учета налоговых обязательств на основе международных стандартов финансовой отчетности.*

Ключевые слова: *бухгалтерский учет, налог, налоговое обязательство, налоговый расход, МСФО.*

Annotation: *This article covers the theoretical basis of tax obligations and their accounting issues. Directions for improving the accounting of tax obligations based on international standards of financial reporting are indicated.*

Keywords: *accounting, tax, tax liability, tax expense, IFRS.*

1. Кириш.

Солиқ маъмуриятчилиги муаммоларини ўрганиш ва уни такомиллаштиришда солиқ мажбуриятлари тизимини тадқиқ этиш зарур ҳисобланади. Солиқ мажбуриятиларининг бухгалтерия ҳисоби муаммоларини ўрганишда унинг назарий ва ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам солиқ мажбуриятлари бухгалтерия ҳисоби тизими ва унинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш ҳамда унга баҳо бериш асосида муаммолар ечимига оид таклифлар ишлаб чиқиш муҳимдир.

Солиқ мажбуриятларини бухгалтерия ҳисобини МҲХС асосида ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарорида асосий вазифа қилиб белгиланди[1].

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

2. Адабиётлар шарҳи.

Адабиётларда мажбуриятлар ва солиқ мажбуриятлари турлича талқин қилинмоқда ва таърифлар берилмоқда. Шуларни кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясининг (2024) 63-моддасига мувофиқ, “Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаши шарт. Солиқ ва йиғимлар адолатли бўлиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишига тўсқинлик қилмаслиги керак”лиги белгиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (2023) 234-моддасида мажбурият тушунчасига қуйидаги таъриф берилган:Мажбурият — фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса — қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (IAS) 37 "Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар"да (2022) мажбуриятга қуйидагича таъриф берилган: *“Мажбурият* - бу ташкилотнинг бўлиб ўтган ҳодисалардан юзага келадиган мавжуд жавобгарлиги бўлиб, унинг сўндирилиши натижасида ташкилотдан ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетиши кутилади”.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (2023) 85-моддасида солиқ мажбурияти қуйидагича эътироф этилган:Солиқ тўғрисидаги қонунчилик билан солиқ тўловчилар зиммасига юклатилган солиқларни ва йиғимларни тўғри ҳисоблаб чиқариш ҳамда ўз вақтида тўлаш мажбурияти уларнинг солиқ мажбуриятидир.

Солиқ тўғрисидаги қонунчилик билан солиқ агентларининг зиммасига юклатилган, ўзига нисбатан ушбу шахслар солиқ агентлари деб эътироф этиладиган муносабатлар доирасида солиқларни тўғри ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ва ўз вақтида ўтказиш мажбурияти солиқ мажбуриятига тенглаштирилади.

Солиқ мажбурияти ушбу Кодекс ёки бошқа солиқ тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган асослар мавжуд бўлганда юзага келади, ўзгартирилади ва тугатилади.

Ҳар бир солиққа нисбатан солиқ мажбурияти солиқ тўловчига солиқ тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган ушбу солиқни тўлашни назарда тутувчи ҳолатлар юзага келган пайтдан эътиборан юклатилади (2023).

А.Тўйчиевнинг (2011) фикрича,“мажбурият дейилганда хўжалик юритувчи бир субъектнинг бошқа субъектга мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва бошқа ҳаракат натижасид аюзага келадиган ҳамда кейинги ўзаро ҳисоблашишларга асос бўлувчи ҳуқуқий муносабатлар”ди.

З.Н.Қурбанов (2016): “корхона харажатлари биринчидан, унинг молиявий натижаларини аниқлашда қатнашса, иккинчидан, солиққа тортиш базасини аниқлашда қатнашади. Солиққа тортиш базасини аниқлашда қатнашиши натижасида солиқ харажатлари тушунчаси намоён бўлади. “Солиқ харажатлари” тушунчаси янги иқтисодий категория эмас, балки бу тушунчани биз кўпроқ солиқ ва бошқа мажбурий ажратмаларга тўловлар сифатида қўллаб келганмиз” деган фикрни билдирган.

С.Н.Ташназаров (2021) солиқ мажбурияти бўйича қуйидаги фикрни билдирган: Стандартларда ва иқтисодий адабиётларда солиқлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятларни эътироф этиш бўйича ҳам тортишувга сабаб бўлувчи мавзулар

мавжуд. 21-сон БҲМСда муддати узайтирилган мажбуриятларга ҳукумат қарорлари билан амалдаги қонунчилик асосида корхонанинг солиқлар ва мажбурий тўловлари бўйича тўлов муддатлари узайтирилган мажбуриятлари киритилган.

К.Ларсон ва бошқалар (1995) солиқ қонунчилиги ва GAAPда қўлланиладиган, жумладан асосий воситалар депрессияси усуллари ўртасидаги фарқ туфайли даромад солиғи бўйича қонунчилик асосида ҳисобланган сумма GAAP бўйича ҳисобланган суммадан кам бўлган тақдирда, фарқ суммаларининг тўлаш муддатини кейинги даврларга ўтказишга рухсат этилганлигини кўрсатишган. Ушбу ҳолларда солиқлар бўйича мажбуриятлар муддати узайтирилган деб тан олиниши кўрсатилган. Бошқа адабиётларда бу модда тўғрисида тавсифланиш келтирилмаган.

БҲХС 12 “Фойдадан солиқлар” стандартида (2018) солиқ мажбуриятлари борасида қуйидаги норма келтирилган:*Муддати узайтирилган солиқ мажбуриятлари* -бу келгусида солиқ солинадиган вақтинчалик фарқлар бўйича келгуси даврларда тўланадиган фойда солиқларининг суммаси. Жорий ва олдинги даврлар учун жорий солиқнинг тўланмаган қисми мажбурият сифатида тан олиниши керак. Агар жорий ва олдинги даврлар учун тўланган солиқ суммаси ушбу даврларда тўланиши керак бўлган солиқ суммасидан кўп бўлса, ортиқча сумма актив сифатида тан олиниши керак.


3. Тадқиқот методологияси.

Солиқ мажбуриятларини бухгалтерия ҳисобини тадқиқ қилишда илмий-тадқиқотларда қўлланиладиган мавжуд назарий ва эмпирик тадқиқот методларидан фойдаланилди. Жумладан, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганишда мантиқий фикрлаш, далиллар тўплаш, тасаввур этиш, қиёслаш, шакллантириш ва муаммони қўйиш каби назарий-тадқиқот методларидан фойдаланилди. Шунингдек, илмий адабиётлар, хўжалик фаолиятини ўрганиш, кузатиш ва давр оралиғида тадқиқ қилиш каби эмпирик тадқиқот методлари қўлланилди. Бу албатта, мақола мавзусига доир ўтказилган илмий-тадқиқот ишларининг методологик асосини ташкил этади.

4. Таҳлил ва натижалар.


Кечиктирилган солиқ активлари (кейинги ўринларда КСА деб юритилади) фойда солиғининг бир қисми бўлиб, бухгалтерия ҳисобида ва солиқ ҳисобида турли даврлардаги харажатлар ёки даромадларни акс эттириш туфайли фойда солиғни келажакда тўланишини камайтиради. Кечиктирилган солиқ активларидан фойдаланиш бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисобини ажратиш муносабати билан халқаро бухгалтерия амалиётидан олинган.

Мажбуриятлар таркиби 1-расмда акс эттирилган.



1-расм. Мажбурият ва хусусий капитал таснифи

Солиқ мажбуриятлари МҲХС бўйича “Молиявий ҳолат” тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилса, БҲМС бўйича “ Баланс”нинг пассив қисмида акс эттирилади. Уларнинг қиёсий таҳлили 2-расмда келтирилди. МҲХС ҳисоботларида фойда солиғи мажбуриятлари алоҳида қаторда кўрсатилади.



2-расм. МҲХС ва БҲМС талаблари бўйича мажбуриятлар бухгалтерия ҳисобининг киёсий тахлили натижалари

Б.Ибрагимовнинг (2023) таъкидлашича, солиқ муносабатларини тартибга солиш механизмларининг тарихий ривожланиши бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги қонуниятларни кузатиш мумкин:

- солиқ мажбуриятлари ва уни ижросини тартибга солиш мезонлари

жамиятнинг иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқ;

- жамиятда аҳоли фаровонлигини оширишда давлат томонидан солиқ юки камайтирилади;
- солиқ тўлашдан бўйин товлаш учун жазо даражаси янада либераллаштирлади.

Бугунги кунда солиқ мажбуриятлари ва уни тартибга солувчи меъёрлар аниқ шакллантирилган[2].

МҲХСлари ташкилотдан молиявий ҳисоботда тан олинган операциялар ва бошқа ҳодисаларнинг жорий ва келгуси солиқ оқибатларини тан олишини талаб қилади. Ушбу тан олинадиган солиқ суммалари жорий солиқ ва кечиктирилган солиқдан ташкил топади. Жорий солиқ - бу жорий ёки ўтган даврлар учун солиқ солинадиган фойда (солиқ зарари) бўйича тўланадиган (қопланадиган) фойда солиғи. Кечиктирилган солиқ - бу келгуси даврларда тўланадиган ёки қопланадиган фойда солиғи бўлиб, одатда ташкилот ўзининг активлари ва мажбуриятларини уларнинг жорий баланс қиймати билан қопланишидан ёки сўндирилишидан ҳамда фойдаланилмаган солиқ зарарлари ва солиқ имтиёзларини келгуси даврларга ўтказилишининг солиқ бўйича таъсири натижасида келиб чиқади.

Мажбуриятнинг солиқ солиш мақсадларидаги қиймати – мажбуриятнинг келгуси даврларда ушбу мажбурият бўйича солиқ мақсадларида чегириладиган ҳар қандай қийматга камайтирилган баланс қиймати. Тушумни олдиндан олиш натижасида юзага келадиган мажбуриятнинг солиқ солиш мақсадларидаги қиймати унинг келгуси даврларда солиқ солинмайдиган ҳар қандай тушум қийматига камайтирилган баланс қийматидир.

МҲХС 12 “ Фойда солиқлари” стандартига асосан фойда солиғи бўйича жорий қарздорлик қуйидагича тан олинади.

Жорий ва ўтган даврлар учун жорий солиқнинг тўланмаган қисми мажбурият сифатида тан олиниши лозим. Агар жорий ва ўтган даврлар учун тўланган солиқ суммаси ушбу даврларда тўланиши лозим бўлган солиқ суммасидан кўп бўлса, ошган сумма актив сифатида тан олиниши лозим.

Фойда солиғи базаси ва бюджетга тўланадаган солиқ миқдори корхона жами даромадини шакллантириш манбалари ва фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар таркибига боғлиқ.

Фойда солиғи ҳисоби объектлари айнан даромад ва харажат билан боғлиқ куйидаги жараёнлар ҳисобланади:

товарларни (ишларни, хизматларни) реализациясидан олинган даромадлар;

товарларни (ишларни, хизматларни) реализациясидан олинган даромадга тузатиш киритиш билан боғлиқ жараёнлар;

бошқа даромадлар;

асосий воситалар ва бошқа мол-мулклар чиқимидан олинган даромадлар;

- мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар;
- текин олинган мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар;
- мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;
- илгари чегирилган харажатлар ёки зарарларнинг ўрнини қоплаш тарзида олинган даромадлар;
- хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан олинган даромадлар;
- курсдаги ижобий фарқдан олинган даромадлар;
- солиқ базасидан чегириладиган харажатлар;

[2] Ибрагимов Б.Б. Солиқ мажбуриятлари тизими ва уни тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. Scientific Journal of “International Finance & Accounting” Issue 2, April 2023. ISSN: 2181-1016.

- келгусида солиқ базасидан чегириладиган харажатлар;
- имтиёзлар ва солиқ ҳисоб-китоби[3].

Фойда солиғини асосий солиққа тортиш манбаи бўлиб товарларни (ишларни, хизматларни) реализациясидан олинган даромадлар ҳисобланади. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган тушум юклаб жўнатилган товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) қийматидан келиб чиққан ҳолда товарларни жўнатиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳажмларини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар асосида аниқланади.

12-сон БҲХС “Фойдадан солиқлари” стандартида қуйидаги атамаларнинг таърифи берилган: Бухгалтерия фойдаси – бу давр учун фойда солиғи харажати чегириб ташланишидан олдинги фойда ёки зарардир.

Солиқ солинадиган фойда (солиқ зарари) – бу солиқ органлари томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ аниқланган(аниқланадиган) ва натижада фойда солиқлари тўланадиган (қопланадиган) давр учун фойда (зарар) ҳисобланади.

Фойда солиғи харажати (фойда солиғи даромади) –бу жорий ва кечиктирилган солиқ бўйича давр фойдаси ёки зарарини аниқлашда ҳисобга олинган жамланган суммадир.

Жорий солиқ - бу давр учун солиқ солинадиган фойда (солиқ зарари) бўйича тўланадиган (қопланадиган) фойда солиқлари суммасидир.

Фойда солиғи харажати (фойда солиғи даромади) жорий фойда солиғи бўйича харажатни (жорий фойда солиғи бўйича даромадни) ҳамда кечиктирилган фойда солиғи бўйича харажатни (кечиктирилган фойда солиғи бўйича даромадни) қамраб олади .

"O'ZBEKNEFTGAZ" AKSIYADORLIK JAMIYATIнинг 2023 йил учун бюджетга солиқлар бўйича тўловлари 1-жадвалда келтирилди.

"O'ZBEKNEFTGAZ" AKSIYADORLIK JAMIYATIнинг 2023 йил учун бюджетга жами 3 312 160 317 минг сўм солиқлар ҳисобланган, ва 3 306 387 007 минг сўм бюджетга тўланган. Шундан, фойда солиғи 481 730 211,5 минг сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг фойда солиғи билан боғлиқ баъзи нормалар бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилишини кўриб чиқамиз. Фойда солиғини ҳисобга олишда иштирок этадиган счётлар 2-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

"O'ZBEKNEFTGAZ" AKSIYADORLIK JAMIYATIнинг 2023 йил учун БЮДЖЕТГА ТЎЛОВЛАРИ ТАҲЛИЛИминг сўм

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган	Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган дан ҳақиқатда тўланган и
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	280	481 730 211,53	473 865 830,00
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	290	122 244 103,56	120 728 675,00
шу жумладан:шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ажратмалар	291	291 598,00	293 912,00
Қўшилган қиймат солиғи	310	525 459 412,36	637 934 256,00
Акциз солиғи	320	142 290 313,22	147 928 500,00
Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	330	1 624 339 525,76	1 635 767 037,00
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	340	5 113 228,21	11 707 724,00

[3] Курбанов З.Н. ва бошқалар.Солиқ ҳисоботи. Тошкент. 2020.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	350	127 157 329,21	1 239 051,00
Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	360	132 186 526,84	127 141 152,00
Бошқа солиқлар	400	32 600 962,85	34 469 945,00
Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар	410		848,00
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар	420		1 472,00
Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари	440	119 038 703,83	115 602 260,00
Жами бюджетга тўловлар суммаси (280 дан 470 сатргача 291 сатрдан ташқари)	480	3 312 160 317	3 306 387 007

Биз фойда солиғи билан боғлиқ бўлган барча операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттришни баён этишдан воз кечган ҳолда, БҲМС-21 келтирилмаган операцияларнинг баъзиларини очиб беришга ҳаракат қиламиз.

2-жадвал

Фойда солиғини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда иштирок этадиган счёт тизими[4]

Счётнинг рақами	Счётлар номи
4010	Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар
4310	ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар
4410	Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)
6240	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар
6310	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар
6410	**Бюджетга тўловлар бўйича қарз**
7250	“Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар” счёти;
9010	Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар
9020	Товарларни сотишдан даромадлар
9110	Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи
9120	Сотилган товарларнинг таннархи
8840	“Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари” счёти;
9810	“Фойда солиғи бўйича харажатлар” счёти;
9820	“Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича харажатлар”
9910	Якуний молиявий натижа
8710	Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси

2-жадвалдан кўриниб турибдики, солиқ мажбуриятлари, шу жумладан, фойда солиғи бўйича мажбуриятларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун кўп счётлардан фойдаланинади.

Йирик солиқ тўловчи бўлган корхонанинг бухгалтерия ҳисобида фойда солиғи бўйича мажбуриятлар билан боғлиқ операциялар 3-жадвалдаги тарзда акс эттирилади.

[4] БҲМС №21.

3-жадвал

Корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобида фойда солиғи бўйича мажбуриятлар билан боғлиқ операциялар[5].

Хўжалик операциясининг мазмуни	ДЕБЕТ	КРЕДИТ
Бюджетга тщланган бўнак тўловлар суммасига	4410-"Бюджетга фойда солиғини бўйича бўнак тўловлари"	5110 - "Ҳисоб-китоб счёти"
Ҳисобот даври учун ҳисобланган фойда солиғини суммасига	9810 “Фойда солиғи бўйича харажатлар” счёти	6410-"Фойда солиғини бўйича қарздорлик" счёти
Фойда солиғини бўйича бўнак тўловлар ҳисобга олинди	6410-"Фойда солиғини бўйича қарздорлик"	4410-"Фойда солиғини бўйича бўнак тўловлари"
Фойда солиғи тўлаб берилди	6410-"Фойда солиғини бўйича қарздорлик"	5110 "Ҳисоб-китоб счёти"

"O'ZBEKNEFTGAZ" AKSIYADORLIK JAMIYATIнинг 2023 йил учун фойда солиғи ҳисоб-китобидан фойдаланган ҳолда фойда солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш бўйича бухгалтерия ёзувларини келтириб ўтамиз (3-жадвал):

Ҳисобот йилида фойда солиғи бўйича тўланган бўнак суммасига:

Дебет –4410-"Бюджетга фойда солиғини бўйича бўнак тўловлари" 148 950 000 сўм

Кредит –5110 - "Ҳисоб-китоб счёти" 148 950 000 сўм

Ҳисобланган фойда солиғи суммасига:

Дебет – 9810-“Фойда солиғи бўйича харажатлар” счёти 481730 211 минг сўм.

Кредит – 6410 “Бюджетга фойда солиғи бўйича тўловлар бўйича қарзлар” счёти 481730 211 минг сўм.

Фойда солиғини бўйича бўнак тўловлар ҳисобга олинди:

Дебет – 6410-"Фойда солиғини бўйича қарздорлик" 148 950 000 сўм

Кредит –4410-"Фойда солиғини бўйича бўнак тўловлари" 148 950 000 сўм

Фойда солиғи бўйича мажбуриятни бюджетга тўланди:

Дебет – 6410 “Бюджетга фойда солиғи бўйича тўловлар бўйича қарзлар ” счёти 473 865 830 минг сўм.

Кредит –5110 “Ҳисоб китоб” счёти 473 865 830 минг сўм.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, солиқ мажбуриятларини бухгалтерия ҳисоби мураккаб жараён экан.

5. Хулоса.

Солиқ мажбуриятиларининг бухгалтерия ҳисоби муаммоларини ўрганишда унинг назарий ва ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам солиқ мажбуриятлари бухгалтерия ҳисоби тизими ва унинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш ҳамда унга баҳо бериш асосида муаммолар ечимига оид таклифлар ишлаб чиқиш муҳимдир.

Солиқ мажбуриятларини бухгалтерия ҳисобини МҲХС асосида ташкил этиш

[5] Жадвал муаллиф томонидан тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарорида асосий вазифа қилиб белгиланд

Солиқ мажбуриятларини бухгалтерия ҳисоби мураккаб жараён бўлиб, у молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этишда янада мураккаблашади.

Адабиётлар:

IAS (2023) 37 "Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар" Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (АВ томонидан 09.12.2022 й. 3400-сон билан рўйхатга олинган молия вазирининг 10.11.2022 й. 61-сон буйруғига 22-илова).

Larson, Kermit D. (1995) Financial Accounting /Kermit D. Larson, Paul B. W. Miller. 6th ed. Irwin, 686 p.

БҲХС (2018) 12 “Фойдадан солиқлар” стандарти

Ибрагимов Б.Б. (2023) Солиқ мажбуриятлари тизими ва уни тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. Scientific Journal of “International Finance & Accounting” Issue 2, April ISSN: 2181-1016.

Конституция (2024) Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси.

Кодекс (2023) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.

Кодекс (2023) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 85-моддаси.

Тўйчиев А. (2011) “Мажбуриятлар бухгалтери ҳисоби ва таҳлилининг назарий методологик муаммолари”диссертация. Тошкент. ТМИ.

Ташназаров С.Н. (2021) Мажбуриятларни ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш. "Экономика и социум" №5(84)

Қурбанов З.Н. (2016) Солиқ харажатлари ҳисобининг назарий масалалари. “Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ҳамда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда солиқ сиёсатининг ўрни” мавзусидаги конференция материаллари.Тошкент, 147-148 бетлар.